

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Буюк мутафаккир аждодимиз, мотуридийлик таълимоти асосчиси имом Абу Мансур Мотуридий ва унинг издошлари меросини чуқур ўрганиш, уларнинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, миллий-диний кадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва маърифий қарашларимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда — Дин ишлари бўйича қўмита), Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ақида ва калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш;

ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг афкор оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш;

Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби алломаларнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг тараққиётида тутган ўрнини чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби ислом динининг асл кадриятлари руҳида тарбиялаш;

мамлакатда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг калом илмига оид мероси ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма, тошбосма асарларнинг асл ҳамда электрон нусхаларини тўплаш ва келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

исломий илмлар, хусусан, калом илми тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган анжуман, конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маъруза, семинар-тренинг ва танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

тадқиқот натижалари юзасидан қомуслар, каталоглар, альбомлар, илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилишни ташкил қилиш;

ислом тарихи ва калом илми йўналишидаги янги тадқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни кенг хабардор этиш;

«жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка чақирувчи ғояларини халққа, айниқса, ёшларга етказиш, мутаассиблик, экстремизмнинг мақсадлари, ғоявий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият услубларини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун тавсия этиш.

3. Қуйидагилар:

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича васийлик кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ; 2020 — 2024 йилларда Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ директори Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича васийлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, унга юкланган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашади ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

5. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг тузилмаси ва уставини тасдиқласин;

Марказ учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани барпо этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

Марказга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича ташкилий ишларни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Дин ишлари бўйича қўмитанинг хорижий тадқиқотчи ва изланувчилар учун Имом Мотуридий номидаги халқаро стипендияни таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

халқаро стипендияга номзодлар Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ изланишларни амалга оширувчи хорижий тадқиқотчи ва изланувчилар орасидан саралаб олинади;

халқаро стипендия совриндорларининг Ўзбекистондаги илмий изланишлари халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳисобига молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректорига:

хорижлик малакали мутахассисларни илмий тадқиқотчи сифатида жалб этиб, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

Марказ илмий тадқиқотчилари ва мутахассисларининг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташи қиймати ҳамда шу билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон халқаро ислом академияси Марказ ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилотига (ICESCO) аъзо мамлакатлар ва бошқа давлатларнинг махсус муассасалари, университетлари ўртасида самарали халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш бўйича аниқ чораларни кўриб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда:

Марказда ноёб қўлёзма асарларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси белгиланган тартибда шакллантирилишини;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган мақсадли илмий лойиҳаларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Марказга маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси мунтазам равишда Марказнинг асосланган тақлифлари асосида илмий ходим ва тадқиқотчиларнинг хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш ҳамда хорижлик илмий ходим ва тадқиқотчиларни Марказга жалб қилиш чораларини кўриб борсин.

12. Марказ илмий ходимлари ва мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармонининг 11-банди амал қилиниши татбиқ этилсин.

13. Дин ишлари бўйича кўмита икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 11 август,  
ПҚ-4802-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон қарорига  
1-ИЛОВА

#### **Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича васийлик кенгашининг**

##### **ТАРКИБИ**

1. Р.С. Қосимов — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори, *Васийлик кенгаши раиси*
2. Б.А. Мусаев — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари
3. М.М. Икрамов — адлия вазирининг ўринбосари
4. К.Б. Акилова — маданият вазирининг ўринбосари
5. Ф.А. Сидиков — ташқи ишлар вазирининг ўринбосари
6. А.Я. Хайдаров — молия вазирининг ўринбосари
7. О.А. Туйчиев — инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари
8. Б.А. Рахимов — Давлат божхона кўмитаси раисининг ўринбосари
9. А.Т. Ахмедов — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси
10. Ш.Ш. Миноваров — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
11. Ш.Ю. Зиёдов — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

12. Б.С. Юлдашев — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти
13. А.Ш. Бекмуродов — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси директори в.б.
14. М.М. Хожиматов — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари
15. Лавозим бўйича — Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқотмаркази директори, *Васийлик кенгаши котиби*

Изоҳ:

Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юқланган шахслар киритилади.

Васийлик кенгаши ишига келишилган ҳолда бошқа вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик жамиятлари ва фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари ва мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**2020 — 2024 йилларда Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни  
қўллаб-қувватлаш  
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар
<b>I. Ташкилий чора-тадбирлар</b>				
1.	Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганган маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда тадқиқотчилар, уларнинг илмий тадқиқотлари ҳақида маълумотлар базасини ташкил этиш.	<p>1. Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганган маҳаллий олим ва тадқиқотчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганган хорижий олим ва тадқиқотчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Маҳаллий ва хорижий олим ҳамда тадқиқотчилар, уларнинг Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти бўйича ёзган мақола, рисола, китоб, монография, илмий тадқиқотлари ҳақида электрон база яратиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил октябрь</p> <p>2021 йил май</p>	Ўзбекистон халқаро ислом академияси ( <i>Р. Қосимов</i> ), Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ( <i>Ш. Зиёдов</i> ), Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ( <i>Б. Абдуҳалимов</i> )
2.	Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказига доимий асосда фаолият юритувчи	1. Марказда фаолият юритиши мумкин бўлган хорижлик етакчи мотуридийшунос олимлар рўйхатини шакллантириш.	2020 йил ноябрь	Ўзбекистон халқаро ислом академияси ( <i>Р. Қосимов</i> ), «Эл-юрт умиди» жамғармаси ( <i>А. Бекмуродов</i> ),

	хорижий етакчи мотуридий шунос олим ва мутахассисларни жалб этиш.	2. Хорижлик етакчи мотуридий шунос олимларни Марказ фаолиятига жалб этиш чораларини кўриш.	2021 йил октябрь	Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиров), манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Марказ илмий ходимларининг мотуридийлик таълимоти бўйича жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий-тадқиқот марказларида малака оширишини ташкил этиш.	1. Жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий-тадқиқот марказлари рўйхатини шакллантириш. 2. Малака оширишда иштирок этиш учун ёш тадқиқотчилар, докторант ва магистрларни жалб қилиш. 3. Марказ илмий ходимларини танлов асосида хорижий таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларга докторантура ва магистратурага ўқишга, стажировка ўташга ёки малака оширишга юборишни ташкил этишга кўмаклашиш.	2020 йил октябрь  2021 йилдан  режа асосида	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиров), «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А. Бекмуродов)
4.	Юртимиз мотуридий шунос олимларининг хорижий мамлакатларда мотуридийлик таълимотига бағишлаб ўтказиладиган халқаро конференцияларда доимий иштирокини таъминлаш.	1. Хорижий мамлакатларда мотуридийлик таълимотига бағишлаб ўтказиладиган конференциялар рўйхатини шакллантириш. 2. Ўзбекистондаги мотуридий шунос олимларнинг режа асосида халқаро конференцияларда иштирокини таъминлаш.	2020 йил ноябрь  2021 йилдан режа асосида	Дин ишлари бўйича кўмита (А. Ахмедов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиров)
5.	Марказга дунёнинг турли мамлакатларида нашр этилган исломий илмлар, жумладан, Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти оид китобларни харид қилиш ва келтириш чораларини кўриш.	1. Исломий илмлар, Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти оид китоблар рўйхатини шакллантириш. 2. Молия вазирлиги томонидан Марказ тақдимномасига асосан китобларни харид қилиш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш. 3. Хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган китобларни божхона божларидан озод этиш.	2020 йил октябрь  2021 йил февраль  алоҳида режа асосида	Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов), Дин ишлари бўйича кўмита (А. Ахмедов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиров), Давлат божхона кўмитаси (М. Азимов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

6.	«Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон» мавзусида онлайн конференция ва семинарлар ўтказиш.	<p>1. Онлайн конференция ва семинарлар ўтказиш режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Конференция ва семинарлар ўтказишни хорижий мамлакатлардаги марказлар билан мувофиқлаштириш.</p> <p>3. «Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон» мавзусида онлайн конференция ва семинарлар ўтказиш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2021 йилдан</p> <p>режа асосида</p>	Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Имом Мотуридий» номидаги халқаро стипендияни таъсис этиш.	<p>1. «Имом Мотуридий» номидаги халқаро стипендияни таъсис этиш тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Стипендияни молиялаштириш бўйича халқаро донор мамлакатлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб этиш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>алоҳида режа асосида</p>	Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов)
8.	Имом Мотуридий ва унинг издошлари илмий меросига бағишланган ўзбек, инглиз, араб тилларида фаолият юритувчи веб-сайт яратиш.	<p>1. Марказ фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида ўзбек, инглиз, араб тилларида фаолият юритадиган веб-сайт яратиш.</p> <p>2. Марказ веб-сайтини Имом Мотуридий ва унинг издошлари илмий меросига бағишланган материаллар билан бойитиш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>мунтазам</p>	Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
9.	Диний таълим муассасаларининг ўқув дастурига Имом Мотуридий таълимоти бўйича махсус курслар киритиш.	<p>1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. 2020/2021 ўқув йилидан диний таълим муассасалари ўқув режасига киритиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил октябрь</p>	Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов)
<b>II. Илмий-тадқиқот йўналишида амалга ошириладиган ишлар</b>				

10.	«Мотуридийлик» маънавий-маърифий, илмий-адабий чораклик журнални ташкил этиш.	<p>1. «Мотуридийлик» маънавий-маърифий, илмий-адабий журнални ташкил этиш билан боғлиқ чоратдбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Журнални нашр этиш билан боғлиқ молиявий харажатларни Марказга бюджетдан ажратиладиган харажатлар сметасига киритиш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2021 йил февраль</p>	<p>Олий аттестация комиссияси(А. Юсупов), Дин ишлари бўйича кўмита(А. Ахмедов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов)</p>
11.	Имом Мотуридий, Умар Насафий, Абу Муин Насафий, Абу Баракот Насафий каби мотуридийлик таълимоти уламоларининг ҳаёти ва илмий меросига оид халқчил рисоалар тайёрлаш.	<p>1. Аждодларимиз ҳаёти ва илмий меросига оид халқчил рисоалар тайёрлаш бўйича Ижодий гуруҳни тузиш.</p> <p>2. Рисолаларни ҳар бир ҳудудга мос тарзда тайёрлаш, таҳрир қилиш.</p> <p>3. Рисолаларни нашр этиш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2021 йил март</p> <p>2021 йил май</p>	<p>Ўзбекистон халқаро ислом академияси(Р. Қосимов), Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти(Б. Абдуҳалимов), Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази (Ш. Зиёдов)</p>
12.	Имом Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» (Тавҳид ҳақида китоб) асарини ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш ва нашр этиш.	<p>1. Хорижий ва маҳаллий мутахассислардан иборат таржимонлар гуруҳини шакллантириш.</p> <p>2. Илмий-изоҳли таржимани тайёрлаш, таҳрир қилиш.</p> <p>3. Асарни нашр этиш чораларини кўриш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	<p>Ўзбекистон халқаро ислом академияси(Р. Қосимов), Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти(Б. Абдуҳалимов), Тошкент ислом институти(У. Ғофуров), Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази (Ш. Зиёдов)</p>
13.	Имом Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» (Қуръони карим оятларининг таъвили) асарини ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш ва нашр этиш.	<p>1. Хорижий ва маҳаллий мутахассислардан иборат таржимонлар гуруҳини шакллантириш.</p> <p>2. Таржимани амалга ошириш учун давлат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>3. Илмий-изоҳли таржимани тайёрлаш, таҳрир қилиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2021 йил январь</p> <p>2021 — 2024 йиллар</p>	<p>Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази(Ш. Зиёдов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси(Р. Қосимов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти(Б. Абдуҳалимов)</p>

		4. Асарни нашр этиш чораларини кўриш.	2024 йил ноябрь	
14.	Саъдуддин Тафтазонийнинг «Шарҳу ақоиди Насафия» (Насафийнинг Ақида асарига шарҳ) асарини ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш.	1. Ижодий гуруҳни шакллантириш. 2. Таржимани амалга ошириш учун давлат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш. 3. Илмий-изоҳли таржимани тайёрлаш, таҳрир қилиш. 4. Асарни нашр этиш чораларини кўриш.	2020 йил сентябрь 2020 йил декабрь 2020 — 2023 йиллар 2023 йил август	Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (Б. Абдуҳалимов)
15.	Камолиддин ибн Баёзийнинг ақида илмига оид «Ишоротул маром» (Максадга ишоралар) китобини ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш.	1. Ижодий гуруҳни шакллантириш. 2. Илмий-изоҳли таржимани тайёрлаш, таҳрир қилиш. 3. Асарни нашр этиш чораларини кўриш.	2020 йил сентябрь 2020 — 2022 йиллар 2022 йил июль	Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази (У. Уватов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (Б. Абдуҳалимов)
16.	Ибн Ҳумомнинг «Китобул мусаяра» асарини ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш.	1. Ижодий гуруҳни шакллантириш. 2. Илмий-изоҳли таржимани тайёрлаш, таҳрир қилиш. 3. Асарни нашр этиш чораларини кўриш.	2020 йил сентябрь 2020 — 2022 йиллар 2022 йил август	Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (Ш. Миноваров), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (Б. Абдуҳалимов)
17.	Дунё кўлэзма фондларида сақланаётган Имом Мотуридий ва	1. Хорижий ва маҳаллий мутахассислардан иборат ишчи гуруҳни шакллантириш.	2020 йил сентябрь	Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази (Р.



	мотуридийлик таълимотига оид қўлёзма асарларнинг электрон нусхаларини жамлаш ҳамда уларнинг каталогини яратиш.	<p>2. Қўлёзмаларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, электрон нусхаларини ҳомийлик маблағлари асосида мамлакатимизга олиб келиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Олиб келинган қўлёзмаларни тадқиқ этиш.</p>	<p>2021 йилдан режа асосида</p> <p>режа асосида</p>	<p><i>Баходиров),</i> Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти(<i>Б. Абдуҳалимов),</i> Ўзбекистон халқаро ислом академияси(<i>Р. Қосимов)</i></p>
18.	Мотуридийлик таълимотига оид Умар Насафийнинг «Ақоид», Усмон Ўшийнинг «Бадъул амолий», АбуБаракот Насафийнинг «Умда» каби ақидавий матнларнинг комплекс таржима ва шарҳини яратиш.	<p>1. Таржимонлар гуруҳини шакллантириш.</p> <p>2. Таржимани тайёрлаш, изоҳ ва шарҳлар бериш.</p> <p>3. Асарни нашр этиш чораларини кўриш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 — 2022 йиллар</p> <p>2022 йил март</p>	Ўзбекистон халқаро ислом академияси( <i>Р. Қосимов),</i> Тошкент ислом институти ( <i>У. Фофуров)</i>
19.	Мотуридийлик таълимотига оид энциклопедия тайёрлаш ва нашр этиш.	<p>1. Ижодий гуруҳни шакллантириш, чора-тадбирлар режасини тузиш.</p> <p>2. Маълумотларни жамлаш, умумлаштириш ва таҳрир қилиш.</p> <p>3. Энциклопедия томларини нашр этиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 — 2023 йиллар</p> <p>режа асосида</p>	Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти( <i>Б. Абдуҳалимов),</i> Ўзбекистон халқаро ислом академияси( <i>Р. Қосимов),</i> Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази( <i>Ш. Зиёдов),</i> Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази( <i>У. Уватов)</i>
20.	Мотуридийлик таълимоти бўйича илмий тадқиқотлар (магистрлик, PhD, DSc) амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш.	<p>1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ақида масалалари билан шуғулланувчи тадқиқотчи ва магистрантларнинг Марказда мунтазам равишда стажировка ўташларини ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p> <p>режа асосида</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги( <i>И. Маджидов),</i> Инновацион ривожланиш вазирлиги ( <i>И. Абдурахмонов),</i> Ўзбекистон Фанлар академияси( <i>Б.</i>

		3. Тадқиқотчилар диссертацияларининг ҳимоя олди муҳокамаларини Марказда ташкил қилиш ва шу асосда апробация ва бошқа ҳимоя учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш.	режа асосида	<i>Юлдашев),</i> Ўзбекистон халқаро ислом академияси ( <i>Р. Қосимов),</i> Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази( <i>Ш. Зиёдов),</i> Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази( <i>У. Уватов)</i>
21.	Ал-Азҳар мажмуаси тадқиқотчилари ўртасида Имом Мотуридий мероси бўйича танлов ўтказиш, ғолибларнинг Ўзбекистонга саёҳатини ташкил этиш, маҳаллий тадқиқотчилар учун тренинглار уюштириш.	1. Танловнинг ташкилий масалаларини Миср томони билан келишиш. 2. Танловни ўтказиш. 3. Танлов ғолиблари томонидан Ўзбекистонлик тадқиқотчилар учун семинар-тренинглар ташкил этиш.	2020 йил сентябрь 2021 йил октябрь режа асосида	Дин ишлари бўйича қўмита ( <i>А. Ахмедов),</i> Ўзбекистон халқаро ислом академияси( <i>Р. Қосимов),</i> Ўзбекистон мусулмонлари идораси( <i>У. Алимов),</i> Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>А. Камилов)</i>
22.	Жаҳоннинг етакчи мотуридийшунос олимлари томонидан Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган йирик тадқиқотларни ўзбек тилига таржима қилиш.	1. Тадбирлар режаси ва таржимонлар гуруҳини шакллантириш. 2. Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган йирик тадқиқотларни саралаш. 3. Таржима ишларини амалга ошириш ва нашр этиш.	2020 йил сентябрь 2020 йил ноябрь режа асосида	Ўзбекистон халқаро ислом академияси( <i>Р. Қосимов),</i> Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти( <i>Б. Абдуҳалимов),</i> Ўзбекистон мусулмонлари идораси( <i>У. Алимов),</i> Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази( <i>Ш. Зиёдов),</i> Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази( <i>У. Уватов)</i>
<b>III. Маънавий-маърифий тарғибот йўналишида амалга ошириладиган ишлар</b>				
23.	Ижтимоий-маънавий муҳит оғир бўлган маҳаллаларда «Соғлом эътиқод асослари», «Ақидада адашмайлик», «Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси»,	1. Тадбирлар режаси ва тарғиботчилар гуруҳини шакллантириш. 2. Тарғибот гуруҳи аъзолари учун ўқув-семинарлар ташкил этиш, тарғибот материалларини тайёрлаш.	2020 йил ноябрь 2020 йил ноябрь	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги( <i>Р. Маматов),</i> Дин ишлари бўйича қўмита( <i>А. Ахмедов),</i> Ўзбекистон халқаро ислом академияси( <i>Р. Қосимов),</i> Ўзбекистон

	«Мотуридийлик таълимоти асослари» мавзуларида давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этиш.	3. Тарғибот тадбирларини юқори савияда ўтказиш.	режа асосида	мусулмонлари идораси(У. Алимов)
24.	Теле- ва радиоканаллар орқали Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Нуриддин Собуний каби юртимиз алломаларининг ибратли ҳаёти ва бой илмий-маънавий мероси ҳақида кўрсатувлар, давра суҳбатлари ва эшиттиришлар ташкил этиш бўйича медиа режа ишлаб чиқиш.	1. Юртимиз алломаларининг ибратли ҳаёти ва бой илмий-маънавий мероси ҳақида кўрсатувлар, давра суҳбатлари ва эшиттиришлар ташкил этиш бўйича медиа режа ишлаб чиқиш. 2. Медиа режа асосида кўрсатувлар, давра суҳбатлари ва эшиттиришларни тасвирга олиш ва қулай эфир вақтларида намоишини ташкил этиш.	2020 йил ноябрь  режа асосида	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), «Зиё» медиа маркази(А. Мухторов), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси(Ф. Абдухолиқов)
25.	Имом Мотуридий, Абу Муин Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида бадий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш.	1. Ижодий гуруҳни шакллантириш, чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Фильмлар сценарийларини ишлаб чиқиш. 3. Тасвирга олиш ишларини ташкил этиш. 4. Фильмларнинг тақдимотларини ўтказиш, республика бўйича намоишларини йўлга қўйиш. 5. Бадий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш билан боғлиқ молиявий харажатлар ҳар йили Давлат бюджетидан «Ўзбеккино» миллий агентлигига фильмлар тайёрлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.	2020 йил ноябрь  2021 йил апрель  режа асосида  режа асосида  режа асосида	«Ўзбеккино» миллий агентлиги (Ф. Абдухолиқов), Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси(Р. Қосимов)
26.	Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганиш ва кенг тарғиб	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	2020 йил октябрь	Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Дин ишлари бўйича

	этишни рағбатлантириш мақсадида диний таълим муассасаларида мусобақа, викторина ва танловлар ўтказиш.	2. Тадбирларни юқори савияда ташкил этиш.	режа асосида	қўмита (А. Ахмедов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов)
27.	Имом Мотуридий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида бадиий асарлар яратишни рағбатлантириш.	1. Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти давомчилари саналган олимлар ҳақида бадиий асарлар яратиш бўйича танлов эълон қилиш. 2. Танловда иштирок этиш учун ёзувчилар, шоирлар, ёш ижодкорлар ва аҳолининг кенг қатламини жалб қилиш. 3. Танлов натижалари бўйича танланган асарларни нашр этиш ишларини амалга ошириш.	2020 йил октябрь  2021 йил май-июнь  2021 йил октябрь	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С. Саидов), Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов)
28.	Расмий интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда ақида масалаларига оид савол-жавобли видеороликлар, чиқишлар эълон қилиб бориш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Ақидага доир масалаларни саралаб, саволлар шакллантириш ва бунга мутахассисларни жалб этган ҳолда жавоблар тайёрлаш. 3. Савол-жавобларни суратга олиш ва 2-3 дақиқалик видеоролик ва чиқишлар ташкил қилиш. 4. Тайёр бўлган ролик ва чиқишларни расмий сайтлар ва ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда эълон қилиб бориш.	2020 йил октябрь  2020 йил ноябрь  режа асосида  режа асосида	Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р. Қосимов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов)
29.	Жума тезисларига долзарб ақидавий масалаларнинг мотуридийлик таълимотидаги талқини бўйича мавзулар киритиш.	1. Долзарб ақидавий масалалар бўйича жума тезисларига киритиладиган мавзулар рўйхатини шакллантириш. 2. Мавзулар асосида жума тезисларини тайёрлаш.	2020 йил сентябрь  2020 йил сентябрь	Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), Ўзбекистон халқаро ислом академияси (Р.

		3. Жума тезислари асосида намозхонларга етказиш.	режа асосида	Қосимов)
--	--	---	-----------------	----------

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.08.2020 й., 07/20/4802/1161-сон)*